



Самарқанд вилояти, Самарқанд тумани, Гулобод қо'рғ'они.  
Тел.: +998(366) 612-55-31, факс: +998(366) 612-55-90

140300, село Гулабад, Самарқандского района, Самарқандской области  
Тел.: +998(366) 612-55-31, факс: +998(366) 612-55-90

015 у.г. « 4 » июл

№ 895-К

**Самарқанд туман “Қўлбапоён” қишлоқ фуқаролар йиғини “Гулобод агротехсервис” агрофирмаси ҳудудидан фуқаро Нуриллаев Илхомга умумий овқатланиш шахобчаси қуриш учун ер майдони ажратиш ҳақида.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26 февралдаги Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа қтиёжлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари ўғрисида”ги 54-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 августдаги 357 сонли “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарориларни ижросини таъминлаш мақсадида, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси йиғилишининг баённомаси, “Қишлоққурилишлойиха” бош лойиха қидирув институтининг хулосаси, Самарқанд вилоят ҳокимлигининг 2015 йил 19 июндаги 830 сонли хулосаси ва фуқаро Нуриллаев Илхомнинг туман ҳокимлигига берган аризаси ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23 моддасига асосан

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси йиғилишининг баённомаси ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.
2. Самарқанд туман “Қўлбапоён” қишлоқ фуқаролар йиғини “Гулобод агротехсервис” агрофирмаси ер харитасининг 398 контуридан фуқаро Нуриллаев Илхомга умумий овқатланиш шахобчаси қуриш учун жами 0,05 га (шундан: 0,05 га туман захирасидаги қишлоқ хўжалигида оғдаланилмайдиган) ер майдони ажратилсин.
3. Фуқаро Нуриллаев Илхомга умумий овқатланиш шахобчаси бино иншоотларини қуришдан олдин Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 8,39 ва 54 моддаларига мувофиқ рақам қилган ҳолда А.Р.Т. лойиха смета ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиш назорат инспекцияси ва назорат инспекцияси рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси»га асосан ер солиғини ундириш ва 2016 йил 1 январ ҳолатидаги ер балансига ўзгартириш киритиш туман Давлат солиқ инспекцияси (Ж. Хўжамуродов) ва Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (З. Олимов)га таъминлансин.
5. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Ш. Курбонов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Кадиров